



Postma

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 15 апрель, пайшанба • 16 (3544)-сон

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларини ҳақли равишда матонатли кишилар, дейишади. Зоро, тилсиз ёв – олов билан курашда улар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, оғатни енгис учун марданавор курашадилар. Бу касб эгалари доим ёнгинга қарши курашга тайёр туришади.

Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 11-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани ҳудудига хизмат кўрсатади. Ходимлар жойларда профилактика ишларни кучайтиришаётгани боис туманда ёнгинлар сони йилдан йилга қисқариб бормокда. Содир бўлган оғатнинг тезда бартараф этилаётгани талоғатларнинг олди олиниши, фуқароларнинг ёнгин натижасида бевақт ҳаётдан кўз юмишлари ёки жароҳат олишларини камайтираяпти.

Жамоада ўз касбини севган, тажрибали ёнгин учирувчилар кўпчиликни ташкил этади. Ходимлар ўртасида жанговар ва касб тайёргарлиги бўйича мунтазам машқлар ўтказилаётгани уларнинг маҳорати ошиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда.



МАТОНАТЛИ КИШИЛАР



Суратларда: ёнгин учируши экипажи оғатни даф этишига шошиляпти (юқоридаги сурат); қисм радиоалоқачиси, ички хизмат сафдори Камола Фозихонова хабарни қабул қилияпти; ўт учирувчилар ёнгинни бартараф этишишмоқда.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

UCHINCHI «Postma» gazetasining ilovasi
+ **TV OLAM**

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасида
хорижий ва мамлакатимиз
оммавий ахборот воситала-
ри вакиллари учун навбат-
даги брифинг бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори Рашид Қодиров журналистларни март ойининг охирида пойтахтимиз, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатларини текшириш юзасидан амалга оширилган тезкор қидирав ҳамда тергов ишлари билан танишириди.

Бош прокурорнинг маълум қилишича, тезкор қидирав ҳамда тергов ишлари жараёнида террорчилик ҳаракатлари юзасидан 700 нафардан ортиқ гувоҳ ва жабрланганлар сўроқ қилинди. Бугунги кунда ушбу ёвузиликка дахлорликда гумон қилинган 54 нафар шахс кўлга олинган, улардан 45 нафарига нисбатан айблъоз эълон қилинган. Шулардан 15 нафари хотин-қизлардир. Ҳалок бўлган террорчилардан 30 нафарининг шахси аниқланган, қолгандарининг шахсини аниқлаш юзасидан эксперталар текширув ишларини олиб бораётирлар.

Террорчилик ҳаракатлари содир этилган жойлар атрофлича ўрганилиб, жиноятчилар тинтуб қилинганда улардан кўп миқдорда ўқотар куроллар, ўқ-дори, кўлбола портлаш мосламалари, уларни тайёрлаш бўйича маҳсус кўлланмалар, диний ақидапарастлик гоялари билан йўғрилган адабиётлар топилди.

Курол-яроғлар бўйича ҳам суриштирув ишлар олиб борилди. Экспертиза хulosасига кўра, террорчилардан олинган "Калашников" автоматлари, тўппонча ва бошқа ўқотар куроллар, шунингдек ўқдорилар фойдаланишга ярқилидир. Жиноятчилар томонидан эгаллаб олинган милиционерларнинг учта тўппончасини хисобга олмаганда, қолган ўқотар қуроллар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, МХХ ва ИИВ хисобида бўлмаган. Айни пайтда эса курол-яроғларнинг мамлакатимиз ҳудудига қандай йўллар билан киритилганлиги ва уларнинг манбалари аниқланмоқда.

Бош прокурор тергов давомида аниқланган бошқа далил ва рақамларга батафсил тўхтала экан, бу ёвузиликларни ушган жиноий гурухлар содир этгани, уларнинг бошликлари республикамиз ҳудудидан ташқарида туриб умумий раҳбарлик қилишгани, ҳалқаро террорчилик ташкилотлари бош-кош бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Хибса олинганларнинг кўрсатма бешичина, улар "Ал-Қоид" лагерларида маҳсус тайёргарликдан ўтишган. Ҳозирда хуқуқ-тартибот идоралари томонидан илгари турли диний-экстремистик оқимларга алоқадор шахс сифатида рўйхатга олинганларнинг ушбу террорчилик ҳаракатларидаги иштироки ўрганилмоқда. Шу мақсадда ички ишлар идоралари келтирилган 412 нафар шахснинг 9 нафари ушлаб қолинган. Қолгандарининг барчаси бу ишга алоқадорлиги тасдиқланмаганлиги сабабли кўйиб юборилган.

Иш бўйича олиб борилаётган тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Жасоратингизни Ватан унутмайди


«ЖУШ» НИНГ ЖАСУР ЎГЛОНИ

Ўтган ойнинг сўнгги кунлари Тошкент шахри, Тошкент ва Бухоро вилоятлари худудида содир этилган террорчилик ҳаракатлари чоғида ички ишлар идораларининг бир қатор ходимлари мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатдилар. Аммо ғаламислар билан тўқнашувларда бир нечта ички ишлар ходимлари ҳалок бўлишиди. Улар орасида Самарқанд вилояти Кўшработ тумани Эргаш Жуманбулбул ўғли номли ширкатлар уюшмаси «Жуш» қишлоғидаги туғилиб ўсган ажойиб инсон — милиция катта сержантни Фахриддин Тиркашев ҳам бор.

Оқтобровдан орасида жойлашган бу қишлоқ аҳли табиатан жўшқин одамлар. Илмга чанқоқ, интилувчан, изланувчан, ижодкор, зиёли ва тадбиркор кишиларнинг кўпши шулар орасидан чиқкан. Қишлоқ одамларининг ахиллиги, иноқлиги, бирбирларини кўллаб-куватлашига эса кўпчилик ҳавас билан қарайди. Шу гўшада вояга етган Фахриддин Тиркашев акаси Мардон аканинг касбига ҳавас қилиб, Тошкентга келганди. Сал кам ўн бир йилдан бери Шайхонтоҳур тумани ИИБ патруль-пост хизматида фидойилик билан хизмат қилиб, жамоада ҳурмат-эътибор топганди. У иккى қизалоқнинг севимли отаси, ёши етмишдан ошган Мастира момонинг эркатой ўғли, мададкори ва маслаҳатгйи эди.

Фахриддиннинг акаси Мардон Ражабов ҳақида кўп илиқ гапларни эшитгандан. Шунинг учун ҳам унга ўхшаб, одамларга яхшилик қилиб, уларнинг дусосин олай деган ниятда шу касбни танлаган бўлса не ажаб.

Хизмат тақосози туфайли ҳалок бўлган ҳамкашибимнинг жасадини ўйига элтиб қўйиш вазифаси менга юклатилди. Бу иш нақадар оғир эканлигини мусибат тушган хонадонга яқинлашганда



хис эта бошладим. Безоваталигим ошиб, гулдай йигитнинг умрига зомин бўлган террорчиларга лаънатлар ўқидим. Бирорнинг бегуноҳ фарзанди ҳаётига зомин бўлган аёлдан нафраландим. Наҳотки, аёл зоти котилликка кўл урса? Ҳаёлан ўзим билан ўзим гаплашиб кетаяпман. Ўдагилар: «Боламга нима бўлди?», деб сўрашса «Фахриддинни беруб қўйдик. У қанчалаб одамларнинг жонини сақлаб қолди», дейман.

Ахир боламда не гуноҳ? Йигламанг момо, болангиз шаҳид кетди!

Қандай йигламайн, болам. Ичим ёнаяпти. У аёл ўглимни эмас, аслида менинг ўлдириди. Фахриддиннинг ўрнига мен ўлсан бўлмасмиди...

Худонинг иродаси, момо. Болангизга бирорнинг жонини сақлаб қолиб, мар-

дона кўз юмиш буюрилган экан...

Хеч қайси онанинг бошига мен каби фарзандлик доғи тушмасин. Террорчиларни лаънаттайман. Илоим юртимиз, мустақиллигимизни кўролмаётгандар паст булишин. Фараз ниятларига асло етмасинлар. Фахриддиннинг ака-укалари, опа-сингиллари омон бўлсин, қолган умрини шу-

— Бир хизматда ўн йилдан ортиқ ишлаётгандар орасида раҳматли Фахриддин Тиркашев билан Қодир ака Раҳмоновлар ҳам бор эди, — деди уларнинг командири, милиция майори Ориф Жамилов. — Ҳамма ҳурмат қилар, маслаҳат сўраб турарди. Биз мана шундай йигитлар билан хизмат қилганимиздан фахрланимиз.

Ҳа, Фахриддин Тиркашев қарийб 11 йил патруль-пост хизматида ҳалол ва фидоийлик билан хизмат қилиб келди. Унинг видолашув молосимида Тошкентдан тўртбешта автобусда, ўнлаб енгил машиналарда дўстлари, ҳамкаслари, маҳалладолари ташриф буюриши.

«Жуш» қишлоғининг ўзида эса тумонот одам йигилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, вилоят ички ишлар бошқармаси, Кўшработ тумани ҳокимлиги, туман ички ишлар бўлими, «Нуроний» жамғармаси ва бошқа қатор расмий идоралардан вакиллар иштирок этиб, уни сўнгги мансизлга кузатиб қолдилар.

Маҳалла фаолларидан Абдусаит Эсиргапов: «Фахриддин оғир, босик, вазмин, мулоҳазали йигит эди. Қишлоққа келганида тўй, маъракаларда хизматга киришиб кетарди», деди. Фахриддиннинг муалими Диёр Ортиковнинг айтишича; у эрка ўғил бўлишига қарамай яхши ўқиган. Акаси билан фахрланиб, катта бўлсан мен ҳам милиционер бўлман, — деб орзу қилган экан.

Ҳа, Фахриддиннинг бир қанча орзулари ушалди, аммо қолгани армонга айланди. Бунга эса қаттол террорчиларнинг қабиҳ қилмешлари сабаб бўлди. Аммо у ўнлаб одамларнинг орзулари армон бўлишига йўл кўймади. Уларнинг эзгу ниятлари ушалиши учун ўзини курбон қилди. Шунинг учун жасур ўғлон ёди қалбларда бир умр яшайди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция майори.

Суратда: Фахриддин Тиркашев умр ўйдоши Роҳия, қизлари Шахноза ва Шаҳзодалар билан

ҚАЛБИМИЗДА АБАДИЙ ҚОЛАДИ

Маълумки, март ойнинг сўнгги кунлари мамлакатимизда содир этилган террорчилик ҳаракатларида бегуноҳ кишиларнинг қони тўклиди. Ҳалк тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун мардлик намуналарини кўрсатган бир гуруҳ ички ишлар ходимлари хизмат вазифасини бажараётгандан ҳалок бўлдилар. Бевақт ўлим шулар қаторида навқирон йигит — милиция катта лейтенанти Азизжон Турсуновни ҳам орамиздан олиб кетди. У Қиброй тумани ички ишлар бўлими тезкор вакили эди. Ҳалол ва жасур инсон ғаламислар билан бўлиб ўтган жангда чекинмади. Ватани, ҳалқи ва қасамёдига содик қолиб, бу оламдан кўз юмди.

Мен Азизжон Турсунов ва шахид кетган бошқа милиция ходимларининг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдираман. Қаҳрамонлар номи қалбимизда абадий муҳланиб қолади. Зоро, ҳалқимиз эл-юрт осойишталиги йўлида жонини фидо қилганларни унутмайди.

Шоҳиста МИРЗАҚУЛОВА,
Сирордеп вилояти Оқ олтин туманинага 22-ўрта мактаб ўқувчиси.

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Мен салкам қирқ йил ички ишлар соҳасида вижданан хизмат қилдим. Бунинг учун тақдиримдан асло нолимайман. Аксинча, тўрт фарзанд кўрдим. Улар орасида касбимни танлаганлари ҳам бор. Энг муҳими, ҳозирда олти набирам ҳам Андижон вилояти ички ишлар идораларида самарали фаолият кўрсатишмоқда. Демоқчиманки, мен яратган сулола муҳтарам Президентимиз, республика ҳукумати ва ҳалқи учун бажонидил хизмат қилмоқда.

Ағфуски, Тошкент шахри, Тошкент ва

Бухоро вилоятларида юз берган мудхиш воқеаларда бегуноҳ осойишталик посбонлари ҳалок бўлишиди. Уларни худди ўз болаларимдек кўриб, ичичимдан ачиниб кетяпман. Ахир бу йигитлар ҳам ўз оиласи, ота-онасининг суюкли кишилари бўлишган.

Тинч, фаровон ҳаётимизни бузишга интилган, бегуноҳ ўғил-қизларимизнинг умрига завол бўлган ярамас террорчилар қонун бўйича жазоланишлари шарт.

Тожиддин ЙЎЛДОШЕВ,
истеъфодаги милиция капитани.

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Қўллаб бегуноҳ инсонлар курбон бўлишига олиб келган қўпорувчилик ҳаракатлари ортида Президентимиз таъкидлаганларилик. Мустақиллигимизни кўра олмаётган ёвуз кучлар борлигига асло шак-шубҳа йўқ. Уларнинг максади ҳалқимизни кўркитиш, келаҳакка бўлган орзу-умидларини пучга чиқаришдан иборатdir.

Ақдодларимиздан қолган юртни асрash, унинг тинчлигини сақлаш ҳақиқатан ҳам

ўзимизга боғлиқ. Кейинги ғанимларга қарши муросавақтларда дунёнинг турли нуқталарида содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари натижасида минглаб бегуноҳ кишиларнинг курбон бўлаётгани терроризмнинг инсониятга ўта жиддий хавф солаётганидан нишонадир. Бундай хавфнинг олдини олиш учун барчамиз ҳушёр бўлмоғимиз зарур.

Юртимиз тинчлиги, ободлигини кўра олмаётган

ғанимларга қарши муросавақтларда дунёнинг турли нуқталарида содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари натижасида минглаб бегуноҳ кишиларнинг курбон бўлаётгани терроризмнинг инсониятга ўта жиддий хавф солаётганидан нишонадир. Бундай хавфнинг олдини олиш учун барчамиз ҳушёр бўлмоғимиз зарур.

Д. ЮЛБАРОС,
Хўжасобод тумани ИИБ
ИХХГ инспектори,
милиция катта лейтенанти.

Тадбир

ХАВФСИЗЛИК ЎЗ ҚУЛИМИЗДА

Заҳоки-Марон маҳалласи Қарши шаҳрининг энг гавжум масканларидан биридир. Ана шу гўшадаги 516 хонадоннинг осойишталигини таъминлаш, аҳоли тинч-хотиржам ўз юмушларини бажариши учун профилактика инспекторлари куну тун сергак хизмат қилишмоқда.

Яқинда маҳаллада Қарши шаҳар ҳокимлиги, вилоят ички ишлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари ўзаро ҳамкорликда «Огоҳлик-давр талаби» мавзудида йигилиш ўтказдилар. Унда сўз олганлар бугун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган терроризм ва унинг ортидан келаётган хунрезиллар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

— Айни кунда кўпроқ эътибор маҳалла га четдан келиб кетувчи кишилар ва шубҳали транспорт воситаларига қаратилиши лозим. Бундан ташқари, ҳудудда яшовчи, адашиб норасмий оқимларга кириб қолган ва муқаддам судланганлар билан мунтазам равишда профилактика ишлар олиб бориш зарур. Бундай кимсаларнинг ножӯя ҳатти-ҳаракатини сезган ҳар бир ҳамюртимиз тезда тегишли жойга хабар бериши инсонийлик бурчи эканлигини унумаслиги зарур, — деди Қарши шаҳридаги 1-милиция таянч пункти профилактика инспектори, милиция майори Р. Худойбердиев.

Дарҳақиқат, бугун дунё аҳлини ташвишга солиб, инсоният бошига беҳисоб кулфатлар ёғдираётган бу оғатга қарши курашиш ўзини шу юрт фарзандиман, деган ҳар бир фуқаронинг муқаддас вазифасидир. Демак бундай жирканч иллатга қарши курашишда қўлни қўлга бериб, ҳамфир, ҳамқадам бўлмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

**С. РАҲИМОВ.
Б. ЭРГАШЕВ,
милиция старшинаси**

Миннатдорчилик

БЕҲАД КУВОНДИМ

Инсон кексайган сайин меҳр-оқибатга ташна бўлиб қолар экан. Мен иккинчи жаҳон урушида иштирок этганиман. Урушдан кейин қалб амри билан республика Ички ишлар вазирлиги Ички кўшинлар тизимида фаолият кўрсата бошладим. 42 йил хизматда бўлиб, кўп қийинчиликлар, суронли давларни бошдан кечирдим.

Яратганга шукрлар қиламан, жонажон Ўзбекистонимизнинг Мустақиллигини кўрдим, истиқолол шурии билан умргузаронлик қилиб келаяпман. Вилоят ички ишлар бошқармасига бориб қолсан, юрт тинчлиги-осойишталигини асраш йўлида хизмат қилаётган ёш ходимлар, уларга яратилган замонавий шароитларни кўриб, кувониб кетаман. Йигитлар билан узоқ сұхбатлашгим келади.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, умуман барча ходимларнинг биз фахрийларга диккат-эътибори, меҳри бошқача. Улар ҳолаҳволимиздан ҳамиша ҳабар олиб тuriшади, моддий ёрдам кўрсатишади. Яқинда вилоят ИИБ бошлиги вазифасини бажарувчи, милиция полковники Илҳомжон Муродов бошлигига бир гуруҳ милиция ходимлари хонадонимга ташриф буюришиди. Уларнинг келгани, ҳол-аҳвол сўраганидан кўнглим ёришиб, бошим осмонга етди. Турмуш ўртогим оламдан ўтганида ҳам ҳамдард бўлишганди. Шахсан ўзим ҳамда фахрийлар номидан уларга самимий миннатдорчилик билдираман. Юрт тинчлиги ва осойишталигини асрашдек шарафли ишларида омадлар ёр бўлсин!

**Худойберди ХУДОЙҚУЛОВ,
ички ишлар фахрийси,**

Хизматларда

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН СОҲА

Статистика маълумотларида дунё мамлакатларида ҳар куни юзлаб ёнгин содир бўлиши ва кўплаб инсонлар тилсиз ёв исканжасида бевақт ҳаётдан кўз юмиши ёки оғир жароҳат олиб бир умрга майиб-мажрух бўлиб қолаётгани қайд этилади. Ёнгин етказадиган талофотларни таҳлил этишнинг ҳожати бўлмаса керак. Чунки, мисқоллаб йигилган бойлик, мол-мулк саноқли дақиқаларда куйиб кулга айланади. Шунинг учун ҳам бу оғатнинг оддина олиш ва уни бартараф этиш энг долзарб вазифалардан бирига айланган.

Мустақиллик йилларидаги республикамизда ёнгин хавфсизлиги хизматини ҳар томонлама тақомиллашириш борасида муайян ишлар килинди. Ривожланган мамлакатлардаги турдош хизматларнинг фаолияти ўрганилиб, замон талаби асосида қайта қуриш учун тизимда ислоҳотлар ўтказишига киришилди. Бу борада тузилган режалар ижобат бўлаётгани, унинг ҳар томонлама тақомиллашишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда ёнгин хавфсизлиги хизматини замонавий техника, асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилаётгани айниқса кувончлидир. Собиқ шўролар даврида ёнгин хавфсизлиги тизими учун ўт ўчириш машиналари Россияда тайёрланарди. Эндилиқда Австрия, Италия, Германия ва Украина давлатларининг ёнгин хавфсиз-

лиги хизмати билан тузилган ҳамкорлик режасига кўра мамлакатимизда ишлаб чиқарилиши йўлга кўйиладиган бўлди. Айни кунларда Самарқанддаги "ЎзОтойўл" корхонасида тайёрланган дастлабки машиналар намунаси синовдан ўтказилиб, мутахассислар томонидан ўрганимоқда. Бундан ташқари тармоқда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ҳам республикамиздаги корхоналарда тайёрланиши кўзда тутилган.

Республикаимиздаги ҳар бир шаҳар ва туманларида ёнгин хавфсизлиги қисмлари мавжуд. Уларнинг ҳаммаси замон талаблари даражасидаги бинога жойлашган, зарур жиҳозлар билан таъминланган, деб айтольмаймиз. 2002-2005 йилларда Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ёнгин хавфсизлиги қисмлари учун 36 та

янги бино қуриш режалаштирилган. Ўтган йилнинг ўзида Поп, Тойлок, Сайхунобод туманларида ЁХБ шахсий таркибининг кучи билан янги бинолар барпо этилиб, фойдаланишига топширилди. Республика ИИБ ЁХБ томонидан яна юзга яқин бинолар қайта қурилиб, тўла тъмирлаш учун жойлардаги ҳокимликларга таклифлар киритилган.

Яқин йиллар ичидаги айни пайтда хизматда бўлган, аммо фойдаланиши муддати аллақачон тугаган, ёнгин ўчириш автомашиналари ўрнини янги замонавий техникалар эгаллади ва ходимларимиз ҳар томонлама қуляй биноларда ишлайдилар, деган умиддамиз.

Кадрлар ҳамма жойда ҳал қилювчи аҳамиятга эга. Тармоқни ёшлар билан тъминлаш асосий масалалардан биридир. Ҳозирги кунда хизмат қилаётгандаги офицерларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Уларнинг тажрибасини бойитиш, янги замонавий техника ва технологиялар билан танишиш ҳамда ўзлаштиришларига эришиш учун Бош бошқарманинг мутахассислари, республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник-мактаби профессор-ўқитувчилари иштирокида тез-тез семинарлар, ўқув машгулотлари

ташкил этиляпти. Ходимларнинг жанговар ва касб тайёргарлигини ошириш мақсадида тузилган режалар асосида мунтазам машгулотлар ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ёнгинлар сони камайиб бораётпти. Айниқса, содир бўлган оғат натижасида фуқароларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши ёки жароҳатланиши сезиларли даражада камайди. Бу аввало аҳоли ўтасида профилактик ишларнинг башқа хизматлар, шунингдек, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, фаоллар, оқсоқоллар ва маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганинг мевасидир. Яна бир томони, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ёнгин хавфсизлиги масаласига жиддий эътибор билан қарашаётпти. Лекин айримлари лоқайдикка йўл қўяётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Ёнгин хавфсизлиги тизимини замон талаблари даражасига етказиш, илгор, самарали техника ва технологиялар билан куроллантириш, малақали кадрлар билан тъминлаш борасидаги ишлар жадал давом этапти. Буларнинг барчаси республика ИИБ Ёнгинларнинг олдини олиш, улар етказадиган талофатларни камайтириш учун хизмат қилади.

Н. ШОДМОНХОЖИЕВ,
республика ИИБ ЁХБ
бошлиғи ўринбосари,
ички хизмат полковники.

2004 йил – Мехр ва муруваттаги йили

ҲИММАТ ҲАМИША КЕРАК

Юртимиздаги кўплар қатори
халқимиз осойиштаги йўлида
хизмат қилаётгандаги ички ишлар
ходимларининг ҳам ҳиммати кам
бўлаётганий йўқ.

Мехр-муруваттаги йили муносабати билан алоҳида дастур ишлаб чиқдик, – дейди Элликкальбаев, истеъфодаги милиция катта лейтенанти Р. Қурбанбаев, истеъфодаги милиция капитани Ш. Аманов ва истеъфодаги милиция майори З. Жуманиёзовларнинг оиласига ўн беш минг сўмдан моддий ёрдам берилди. Маҳалла ва овлу фуқаролар йигини раҳбарияти томонидан тавсия этилган кам таъминланган оиласидардаги паспорт олиш ёшидаги фуқароларга шахсий таркибнинг ҳар бир ходими ўз ҳисобидан паспорт олиб бериши.

д. ҲУДОЙШУКРОВ.

ҚЎНГИЛ ИСТАГИ

Қашқадарё вилояти ИИБ Жазони ижро этиш бўлими ходимлари Китоб шахридаги вилоят гўдаклар уйида вояга етадиган 39 нафар норасидалар ҳолидан хабар олиши. Уларга 700 минг сўмлик ўйинчоқлар, болалар аравачалари ва башқа жиҳозлар совга қилинди.

Ҳозирда гўдаклар билан ходимлар ўтасида кўзга кўринимас ришталар боғланган. Болажонларнинг яйраб ўнаши, шодон кулгуси, шеър ва қўшиқларни бийрон тилларда ижро этишлари тадбирга шукух багишилади.

– Мехр ва муруваттаги сарчашмалари обод кўнгилдан бошланади, – дейди вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат полковники Содик Исломов, – Инсон кўнглини обод қилиб, уни безайдиган меҳр-оқибат, саховат, ҳиммат, саҳиълик, тўғрилик каби тушунчалар халқимизнинг бокий қадриятларидандир. Биз, ички ишлар ходимлари авлоддан-авлодга ўтиб келаётгандаги фазилатларни қадрлаймиз. Шу боис ийл бошида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли мазкур гўдаклар уйини оталигимизга олдик.

Гузор тумани ИИБ ходимлари ҳам Совбог қишилогида яшовчи Ҳудировлар оиласига катта қувонч улашиши. Қасби ўқитувчи бўлган Ражаб Ҳудировнинг ўғли Шавкатжон тұғма ногирон бўлиб, 12 йилдан бўён тўшакда "михланиб" ётарди. Ички ишлар ходимлари томонидан совға қилинган ногиронлар аравачаси бу ўспиринни эркин саир қилиши, қолаверса, тенгдошли даврасига қўшилишига имкон яратди.

– Фузор туманида вояга етмаган ёшлардан 31 нафари тўшакда ётган ногиронлардир, – дейди туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковники Зокир Қобилов. – Ўзгалар ёрдамига мухтож бўлган бу болаларнинг таълим олиши, саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг хукуқий манфаатини таъминлаш борасида хукуқ-тартибот идоралари, ҳокимлик, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигига ибратли ишлар амалга оширилаётпти.

Одатда миллий қадриятларимизга кўра, меҳр-муруваттаги ҳар бир кишининг хоҳиш-истаги билан кўрсатилади. Шундай экан, ҳар биримиз қалбимизга қулоқ тутиб, бундай эзгу ва хайрли ишга интилиб яшайлик.

Б. ЭРГАШЕВ,
милиция старшинаси.



Ёнгинни ўчиришдан кўра унинг олдини олган афзал. Буни яхши билган Бухоро вилояти ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари аҳоли ўтасида кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Ҳусусан, жойларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши, ўт ўчириш воситаларининг ишлатилиши, оғат рўй бергандан қандай ҳарарат қилиш кераклиги ҳақида тегишили кўрсатмалар берилмоқда. Шу боис ҳам худудда ёнгинлар сони камайиб бораётпти.

Суратда: Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ бошлиғи ўринбосари, ички хизмат подполковники Шуҳрат Ярашев Бухоро шаҳар ИИБ 2-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми ходимларига кўрсатмалар бермоқда.

Р. РАУПОВ олган сурат.

публика-ИИБ ЁХБнинг "Фаҳрий ёрлиғи" топширилди. Иккинчи ўринни олган Навоий тоф-кон металлургия комбинатининг 6-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги муҳандиси С. Низомов ва учинчи ўринни эгаллаган Наманган вилояти, Норин тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори А. Бокиевлар хизмат вазифаларига сидқидилдан ёндашаётгани ҳамда билим савияларини намоён этдилар.

Қўрик-танлов якунига кўра танлов қатнашчилари Тошкент Давлат тиббиёт институти шифохонасида ёнгин хавфсизлиги ҳолатини тўла ўрганиб чиқиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида "Давлат ёнгин назоратининг энг яхши хизматчиси" республика қўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда қўрик-танловнинг Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятлар, шунингдек, На-

тошкент шаҳридаги аҳоли турар жойлари, ҳалқ хўжалиги тармоқлари, корхона, муассаса ва ташкилотларда ёнгин хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни барқарорлаштириш мақсадида "Давлат ёнгин назоратининг энг яхши хизматчиси" республика қўрик-танлови бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрида яхши хизматчиси" республика қўрик-танлови бўлиб ўтди.

Анъанавий
Қўрик-танлов

воий тоф-кон металлургия комбинати (НТМК) ва Транспорт ИИБ ЁХБсида ўтказилган биринчи босқич ғолиблари иштирок этдилар.

Белгиланган шартларга кўра танлов қатнашчилари Тошкент Давлат тиббиёт институти шифохонасида ёнгин хавфсизлиги ҳолатини тўла ўрганиб чиқиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида "Давлат ёнгин назоратининг энг яхши хизматчиси" республика қўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда қўрик-танловнинг Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятлар, шунингдек, На-

тошкент шаҳрида яхши хизматчиси" республика қўрик-танлови бўлиб ўтди.

УЧИНЧИ + TV VOLAM

«Постмага»
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Фаройибот

Хамма жойда бўлганидек қишлоғимизда яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам бор.

Факат дастурхон атрофида чой ичиб, анча пайт сухбатлашиб ўтиришдан сўнг бу узункулоқ гапларда жон борлигига икрор бўлди. Икки ярим минг кишилик қишлоқ аҳлидан атиги 162 нафаригина ибодат қилгани черковга қатнаркан. Илгариги руҳоний – кекса Владимир даврида ибодат қилувчилар кўпроқ экан.

У жодугарларни бир қараашда билган. Ибодат пайти улардан бирининг елкасидан ушлаб силкитиб: “Сен нималар билан маш-

Балки буларнинг барчаси қишлоққа сирли қора, ёвуз кучлар ёрилиб келишига сабаб бўлгандир? Яқинда вилялик бир киши Сигирлар яловидан бақирганча уйига келиб, остоңада йиқилиб ўлди. Ўлеми олдидан ялов томонни кўрсатиб нимадир демоқчи бўлди. Аммо унинг гапини ҳеч ким тушунмади.

МАРХУМЛАР ТИРИКЛАРНИ «ЧАҚИРГАН»

Дўкон ёнида шу қишлоқлик бир аёлнинг ҳикояси журналистларни баттар кўркитиб юборди. Унинг айтишича, шахардан кел-

Ҳакиқатан ҳам шундан кейин ўша оила тинч яшай бошлади.

ЧИРОҚЛАР ЎЧИБ ҚОЛДИ

Саргузаштталаб журналистлар ёллаган машиналарига ўтириб, Сигирлар яловига яқинлашганда деярли ярим тун эди. Кутимаганда машинанинг ҳамма чироқлари ўчиб қолди. Факат мотор тортиб ҳаммалари беихтиёр чўқинишга, чала-чулла билган дуоларини ўқишига тушиди.

Дунинг кучи биланни, ҳар ҳолда чироқлар яна ёнди. Ўн беш дақиқалардан кейин улар манзилга етиб келишиди. Бир қараашда яловда ҳеч қандай файритабии нарса-мавжудот йўқдай эди. Журналистлар шундай бўлса ҳам машинадан тушиб, рақамли фотоаппаратда теварак-атрофни суратга ола бошлашди. Фотокамера экранидаги дастлабки тасвиirlарда ёк шарлар кўзга ташланди. Кадрлардан бирида чупакабрага ўҳшаган маҳлук ҳам акс этганди.

– Худди ўзи, – деб ҳаммалари баравар бақириб юборишиди.

Ҳайдовчи кўркиб бошқаларни кетишига қистай бошлади. Қайтишида черков олдидан тўхтаб, чўқиниб олишиди.

«СУРАТГА ТУШИРМА МЕНИ!»

Бу қишлоқда кекса Ленани билмайдиган одам йўқ. Бироннинг бирор ери оғриси уникига чопади. Ҳатто “Жип” минган бойвачалар ҳам келишиди. Кампир дуо ўқиб, беморлар устига дам соглан сувидан сепади. Қарабисики, улар дард кўрмагандай бўлиб кетишиди. Аммо Лена беморлардан пул олмайди.

Журналистлар остона ҳатлаши билан кампир гапга тушиб кетди:

– Сенинг елканг, сенинг эса тишинг оғрияпти. Лекин бугун даволамайман. Сабаби, пича мазам бўлмай турибди. Сизлар аслида даволанишга келганингиз йўқ. Муддаоларингиз нима ўзи?

Тунги “мехмонлар” ўзларини хийла нокуляй сезишиди.

Кампир фотоаппаратга кўзи тушиб, қатъий огоҳлантириди:

– Факат мени суратга туширганглар!

Оёқ остида ўралашиб юрган мушукка кўзи тушган журналист ҳозирхавоблик қилди:

– Йўқ, биз мушукни суратга олмоқчимиз.

Фотоаппарат чирқ этди, унинг ёлқини калирнинг кўзини қамаштириди. Шу пайт яна бир мўъжижа рўй берди – янгигини батарея бутунлай кучизланиб қолди. Ҳа, сеҳграр рус кампири олдидা япон техникаси ҳам ожизлиқ қилдимиликан?

“Мехмонлар” кетишаётганда Лена биронига дакки берди:

– Сен нега аввал чап ботинкагни кияяпсан? Ўнг пойафзални биринчи кийиш керак. Йўқса, йўлинг ҳам, ишинг ҳам ўнгидан келмайди. Бегона одамлар билан гаплашаётганда кўл-оёқларингни чалиштириб ўтиранг, ҳеч қандай сеҳр-жоду кор қилмайди...

ЖОАУГАРАР КИШЛОГИ

Кишлоқнинг кундузги кўриниши

Икки журналист жодугарлар қишлоғини ўз кўзлари билан кўриш учун йўлга тушиди. Уларни туман марказида яшовчи ҳаваскор уфологлар Алексей Чудаков ва Георгий Татарских очик юз билан қарши олишиди. Аммо ишлари кўплигини баҳона қилиб, уларга ҳамроҳлик қилишдан бош тортишиди.

– Факат эсларингизда бўлсин, – деб гап орасида таъкидлашди улар, – Виля қишлоғидаги энг гаройиб ҳодисалар ярим тунда юз беради.

Сигирлар яловини ўрганиш бундан йигрма йил илгари бошланган. Ҳаваскор уфологлар қишлоқ яқинидаги ўрмонга жойлашиб, кўрганларини “Зенит” фототаппаратида суратга олишган. Сирли ҳодисаларга ишонмайдиган одамлар суратларда акс этган шарсимон оқ жисмлар тасвирини фототасманинг эски, яроксизлигига йўйишиди. Шундан сўнг тасма ҳам, суратлар ҳам феде-

рал ядро марказига юборилди. У ердаги мутахассислар суратларни ҳакиқий, фототасмани эса яроқли деб топишиди.

– Мен бу масалага энди қайтишини истамайман, – ғамгин оҳангда гапиради Алексей Чудаков. – Одамзод билишга ҳакиқатида бўлган чегара бор, шекилли. Ундан ўтган кишига зиён етиши мумкин.

Георгий эса:

– Бу топширикни бажаришга бекорга кўнибисизлар. У ёк хатарли, – деб кўшиб кўйди.

ЖОДУГАРЛАР НЕГА РУҲОНИЙЛАРНИ ЁҚТИРИШМАЙДИ?

Кишлоқ оқсоқоли Александр Данилович Москалчук маҳаллий черковда қишлоғини “Зенит” фототаппаратида суратга олишган.

– Қишлоғингизда чиндан ҳам жодугарлар яшашадими? – қизиқсизниб сўрашди журналистлар.

– Бу бўлмағур уйдирмадан бошқа нарса эмас, – аввалига тан олишни истамади отаҳон. –

Гул бўлиб юрибсан?” деб бошига хоч билан урган.

Бу сеҳграрларга ёқмаган, албатта. Улар отаҳонга илму амал қилиб зиён етказишиган. Натижада Владимир бир йилдан кейин ошқозон сараторни касаллигига чалиниб вафот этади. Аммо жодугарлар шундан кейин ҳам тинчшимайди. Роппа-роса бир йил ўтиб Владимирнинг 16 ёшли ўғли Арсений ҳам оламдан ўтади. Ҳўш, бу оддий тасодифмиди?


ЁВУЗ КУЧЛАР КАЁКДАН КЕЛГАН?

Виля қишлоғи тарихий ҳужжатларда XVIII асрнинг ўрталаридан зикр этилади. Рус саноатчилари-ака-ука Баташевлар бу ерда биринчи бўлиб темир кўйиш заводини куришган. Андрей Родионович унчалик золим бўлмаган. Аммо акасининг дастидан юзлаб ишчилар калтаклар остида ўлган, зиндонларда чириб кетган. Қўшини қишлоқда эса Иван Грознийнинг хотини зиндонбанд қилинган. Ўзининг шафкатсизлиги билан Виля яқинидаги донг таратган қароқчи Васка Рошчин хазинасини яширган, дейишиди.

Пугачёв қўзғолони пайтида унинг вакиллари Баташевлардан замбараклар ясад беришларини сўраб келишган ва дорга осилишган. Айтишларича, мурдалар дорда неча кунлаб осилиб ётган экан.

Октябрь тўнтаришидан кейин зулм-зўравонлик янам авж олди. 30-йилларда қишлоқда руҳоний зоти борки, ҳаммаси отиб ташланди. Одамлар черковга бормай кўйишиди.

НУЖЛарнинг сурати




BOLALAR SAHIFASI

DONO BOBO O'GITLARI

Ota-onaning pand-nasihatlari-
ga qulqoq tutish va unga amal qili-
sh farzand burchi hisoblandi.
Bolalarim, o'zboshimchalik,
o'zbilarmonlik qilib ota-onasining
dilini og'ritgan bola uyatga qola-
di, boshqalarga kulgu bo'ladi.

TEZ AYTISH
Oq choynakka
ko'k qorqoq,
Ko'k choynakka
oq qorqoq.



Kunlardan bir kun...

DUGONALAR

Madinaning onasi kasal bo'lib qoldi. Shifikorni chaqirdilar. U dori-darmon, muolajalar tayinlab, uch-to'rt kun yotib davolanish zarurligini aytdi. Madina onasiga qarab mакtabga boro'madi. Darsdan keyin Madinadan xabar olish uchun kelgan Zebo dugonasining ahvolini tushundi. U uyga kelib, onasiga Madinaga yordamlashmoqchi bo'lganini aytdi.

—To'g'ri qilasan qizim, — dedi onasi. — Chin o'rtoqlar doim bir-biriga yordamlashishi kerak.

Zebo Madinalarniga bordi. Ikkovlashib ovqat tayyorlashdi, bemorga ichirishdi. Keyin Zebo o'tilgan darslarni Madinaga tushuntirdi, uy vazifalarini tayyorlashdi.

Oradan ikki-uch kun o'tib onasi sog'aydi. Madina mакtabga bordi. U o'tilgan darslarni dugonasi Zebodan o'rganib borgani uchun qiyalmadi. Sinfdoshlariiga undan minnatdar ekanligini aytib, eng yaxshi dugonam, dedi.

XANDALAR

Gulnozaning shokolad yegisi keldi, lekin buvisidan so'rashga iymanib:
— Buvi, shokolad yeingiz kelyaptimi? — deb so'radi.

— Yo'q, qizalog'im, — dedi buvisi.

Birozdan so'ng Gulnoza:

— Buvi, nega mendan ham shokolad yeysanmi, deb so'ramaysiz? — dedi.



O'qituvchi o'quvchidan so'radi:

— Ukangda o'nta yong'oq bor, to'rtasini singlingga bersa unda nechta yong'oq qoladi?
— Bilmayman, — dedi o'quvchi.
— Nega? — so'radi o'qituvchi.
— Chunki ukam ham, singlim ham hisoblashni bilmaydi.


MATEMATIK JUMBOQLAR

Chizg'ichning to'rtta burchagi bor. Agar uning bittasi kesib tashlansa nechta burchak qoladi?

Ota 29 yoshda, o'g'li esa 8 yoshda. O'g'il otasidan qachon ikki marta yosh bo'ladi?

O'TGAN SONDA BERILGAN MATEMATIK JUMBOQLARNING JAVOBLARI

Haydovchi mashinaning o'rtacha tezligini noto'g'ri hisoblagan. Chunki mashinaning 80 km/soat tezlik bilan yurgandagi vaqt 60 km/soat harakat qilgandagiga qaraganda kam. Har ikkala tezlikning vaqtini teng olsak 42 soat bo'ladi. Bi paytda mashina 70 km/soat tezlikda 2940 chaqirim yo'lni bosib o'tgan. Qolgan 420 chaqirim yo'lni esa 60 km/soat tezlikda 7 soatda o'tgan. Shunday qilib haydovchi yo'iga 49 soat sarflagan.



Qadrli bolalar! Kataklarda respublikamiz shaharlaring nomi yashiringan. Namunada ko'rsatilgani bo'yicha toping.

T	O	Sh	K	U	S	G	I	L	S
Q	U	K	U	M	A	R	N	O	A
A	V	E	N	R	E	T	R	A	M
N	O	N	T	M	I	Z	Q	A	N
I	J	U	R	G	A	N	Ch	B	D
D	N	A	A	G'	O	N	X	U	N
R	G'	O	N	R	O	R	O	T	A
A	T	A	Q	O'	Q	T	R	O'	M
F	T	A	X	N	O'	K	N	A	A
K	A	V	I	O	Q	O'	L	G	N

• ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идораларининг фаҳриси, истеъфодаги милиция полковники Амон АФЗАЛИЕВни табаррук 75 ёшлари билан самимий муборакбод этамиз. Азиз устозимиз яна кўп йиллар саломат, бардам бўлиб, шогирдлари, фарзандлари камолини кўриб, даврамизни тўлдириб юришларини Яратгандан сўраймиз.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбариги ва шахсий таркиби.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковники Ҳикмат ОКТАМОВни туғилган куни билан чин дилдан табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оиласиавий хотиржамлик, ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Ҳамкасб дўстлари.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбариги ва шахсий таркиби.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция майори Содиқон ҚОБУЛОВни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Мехрибон даджонимиз саломат бардам бўлиб, маргабалари янада ошиб, даврамизни тўлдириб юришларини Аллоҳдан сўраймиз.

Рафиқаси ва фарзандлари.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция майори Содиқон ҚОБУЛОВни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Унга узоқ, мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оиласиавий хотиржамлик, ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Газета таҳририяти жамоаси.

Батальон шахсий таркиби.

МУНАЖЖИЛAR БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

Кўй. Дастрлабки кунлар ҳар қандай муаммони осонгина ҳал этасиз. Яқинларингиз билан муносабатларда бироз келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Моддий ахволингиз ҳам ёмонлашиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳар қандай вазияти қарамай иллари бошлаб кўйган ишларни ниҳоясига етказишингизга тўғри келади. Шанба — мулокотлар учун кулагай кундир. Келгуси режаларни белгилаб оласиз. Якшанба куни кўнгилли ҳордик кутилмоқда.

Тарози. Душанба куни кайфиятингиз юкори дараҷада бўлади. Сешанба куни ўйламай босган қадамингиз ҳаётингизга салбий таъсир кўрсатиш мумкин. Пайшанба куни моддий ахволингиз яхшиланади. Дўстлар даврасини кенгайтириш учун жума кулагай кундир. Янги танишувлар кутилмоқда. Якшанба куни атрофингиздаги одамлар билан келишмовчиликлар келиб чиқишидан эҳтиёт бўлинг.

Сигир. Душанба куни хушхабар эшиласиз. Кўшма лойиха ишлаб чиқиши таълиф этишади. Уни қабул қилишадан олдин жиддий ўйлаб кўришни маслаҳат берамиз. Чоршанба куни ижодий фаоллик кутилмоқда. Пайшанба куни хизмат пиллаполасидан юкорилаш учун замин яратилади. Жума куни қизғин баҳслар бўлиб ўтади. Харидлар учун шанба кулагай кундир. Якшанба куни мулокотлар узоқ вақт ўзингизда қолади.

Чаён. Ҳафтанинг босида молия соҳасида ҳатоларга йўл қўясиз. Дўстлар ва яқинларингиз билан боғлик муаммолар сизнинг кўманингизда ҳал бўлади. Пайшанба куни шериларингиз билан алоқалар янада мустаҳкамланади. Жума куни иқтидорингизни намойиш этиш имконияти бор. Якшанба куни ўзингизга бўлган ишонч янада ортади.

Эгизаклар. Ҳафтанинг бошида юзага келган муаммаларни танишларингиз билан муҳокама кыласиз. Чоршанба куни янги алоқалар ўрнатиш имконияти бор. Шахсий ҳаётингизда ўзаришлар рўй беради. Шанба куни яқинларингиздан бирортаст ёрдам сўраб мурожаат қиласи. Якшанба куни ўзингизга яқин бўлган киши билан низолашиб қоласиз.

Ёй. Душанба кунги учрашув узоқ вақт ёдинизда қолади. Кутимаган воқеалар рўй бериши мумкин. Сешанба куни куч-куватингиз ошганини ҳис этасиз. Белгиланган ишларни юкори дараҷада ташкил килишингиз эса моддий ахволингиз яхшиланишига олиб келади. Жума куни омад юз ўтириши мумкин. Шанба куни эҳтиросларга бериласиз. Тижорат ишларида якшанба куни ютуқлар кутилмоқда.

Кискичбака. Душанба куни одамлар сизга бефарқ муносабатда бўлади. Сешанба куни баракали меҳнатнингиз муносаби бахоланмайди. Чоршанба куни молия соҳасида омад юз ўтириши мумкин. Пайшанба куни кичик кўнгилсизликлар кутилмоқда. Жума куни атрофидаги кишилар билан муносабатларни яхшилаб олишга муваффақ бўласиз. Шанба куни жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг.

Тоғ эчкиси. Дастрлабки кунлар хонадонга қиммат баҳо жиҳоз сотиб оласиз. Касб маҳоратингиз ошади. Чоршанба куни юзага келган муаммалини ҳал этишга кўп куч-куват сарфлайсиз. Пайшанба куни учрашувлар муваффақиятли якунланади. Дам олиш кунлари ижодий қобилиятингизни намоён этиш имконияти бор. Керакли маълумотни кўлга киритасиз.

Арслон. Дастрлабки кунлар келишмовчиликлар юзага келади. Тадбирлар уюштириш учун сешанба кулагай кундир. Чоршанба куни шартномалар имзолашга муваффақ бўласиз. Янги даромад манбаларни топишингиз мумкин. Ҳафтанинг иккичи ярмида шахсий ҳаётингизда муаммолар пайдо бўлади. Кўнгилли ҳордик чиқарип, янги жиҳозлар харид қиласиз.

Ковға. Ҳафтанинг босида ишхонада маълум ўзаришлар юз беради. Бизнесчилар бирорта битими имзолашдан аввал жиддий ўйлаб кўришларни маслаҳат берамиз. Чоршанба куни қарзингизни қайтарганингиз маъкул. Лотереяга пул ютуғи чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Шанба куни белгиланган режалар ўзариб қолиши мумкин. Якшанба куни маданий ҳордик чиқарип, руҳингиз тетиклашади.

Бошок. Душанба куни молиявий ахволингиз таън вазиятга тушиб қолади. Сешанба куни бажараётган ишингизга жиддий ёндошишини маслаҳат берамиз. Раҳбарлар ёки шериларингиз билан чоршанба куни келишмовчилик келиб чиқади. Жума куни ҳаётингизда ўзаришлар юзага келиши мумкин. Дам олиш кунлари барча соҳада омад кулиб бўлади.

Балиқ. Дастрлабки кунлар атрофингиздаги одамлар билан айрим келишмовчиликлар келиб чиқишидан эҳтиёт бўлинг. Муайян тўсиклар ишларингиз юришмай қолишига олиб келади. Пайшанба куни қалбингилини ишқ-муҳабbat чулғаб олади. Шанба куни хушхабар эшиласиз. Якшанба куни воқеалар фаол ҳарқат қилишга унрайди.

ДУШАНБА,

19

Узбекистон телеканали

Телетомошабинлар диккатига! «Ўзбекистон» телеканали 19 апрель куни ўз курсатувларни соат 15.00дан бошлиди. 15.00 «Тахлинома». 15.45 «Кўрсатувдан курсатувчага». 16.05 «Дастурхон атрофидаги». 16.20 ТВ-клип. 16.30 «Ёз ифори». Телесериал. 17.40 «Кинотеатр». 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ўзбекистон куличилиги»: «Олтин воий усталари». 1-фильм. 18.40 «Дунёкараш». 19.00 Бир жуфт юшик. 19.10 «Мулкдор». 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 Биржа ва банк халларлари. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Гумрохлик оқибати». Хужжатли фильм. 21.20 «Кўшикларда қолган сатрлар». 21.45 2004 йил - Мехра мурувват йили. «Химмат». 22.05 «Титаник». Бадиий фильм. 1-кисм. 23.40 «Ахборот-дайжест». 0.00-0.05 Ватан тимсоллари.

19.35 «Давр» - репортаж. 19.50 «Мехр кўзда». Мактубларга шарҳ 20.10 Мусикий лаҳза 20.15 Ёшлар овози 20.40 «Ёлғон асираси» Телесериал 21.30 Кишлоқдаги тенгдошим 21.50 Олтин мерос 22.00 Давр 22.45 Спорт дастури: Интерфутбол 0.25-0.30 Хайрли тун.

Тошкент телеканали

Сурхондарё вилояти ИИБ тизимида спорти ривожлантиришига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, футбол кенг оммалашиб бораяпти. Деярли барча шаҳар ва туман ИИБлари ҳамда соҳавий хизматларда ўйингоҳлар мавжуд бўлиб, жамоалар ўртасида мусобақалар ташкил этилмоқда. Саралаш ўйинлари, шунингдек, маҳаллалар, милиция таянч пунктларида уюштирилаётган беллашувлар спорта кўплаб ёшлар жалб этилишида мухим аҳамият касб этмоқда.

Кизирик тумани ИИБ "Динамо" жамоаси тузилгач, футбольчилар нафақат ички ишлар тизими, балки вилоятдаги бошқа жамоалар ўртасида ўтказилаётган турнирларда ҳам фаол иштирок эта бошлишди. Жамоанинг туманда энг намунали, деб топилган ўйингоҳи бор. Уни замон талаблари даражасида таъмирлаш, мухлислар ва спортчилар учун шарт-шароит яратиш учун туман ҳокимлиги доимо қўллаб-куватлаб келаяпти. Ўкув машғулотларида фаол қатнашайтган футбольчилар ўз маҳоратларини ошириб боришашапти.

Яқинда вилоят футбол федерацияси кубоги учун ташкил этилган мусобақада йигирмадан ортиқ жамоа қатнашди. Жарқўргон туманидаги "Сурхон" ўйингоҳида бўлиб ўтган финал баҳсида Жарқўргон ва Қизирик туманлари ИИБлари вакиллари майдонга тушишди. Динамочилар рақиблари устидан 2:1 ҳисобда ғалаба қозониб, кубокни кўлга киритдилар. Футбольчилардан, милиция катта лейтенанти Музаффар Норкелдиев, милиция лейтенанти Фахриддин Луқмонов, милиция сержантлари Тўрамурод Исакандаров, Ваҳоб Жўраевлар энг яхши ўйинчилар сифатида мухлислар олқишига сазовор бўлишиди.

Р. РЎЗИЕВ,
милиция подполковниги.



ВЛАДИМИР КЛИЧКО ЮТҚАЗИБ ҚЎЙДИ



Украиналиқ професионал боксчи Владимир Кличко оғир вазн тоифасида WBOning чемпионлик увони учун ўтказилган жангда американлик Ламон Брюстер билан куч синашди. Учрашув бешинчи раундда, Брюстер рақибини кучли зарбалари билан икки марта ногдаун ҳолатига туширгач тўхтатилди. Шундай қилиб Кличко техник нокаут билан мағлубиятга учради.

Огоҳлик – давр талаби

Тошкент шаҳрида содир этилган қатор террорчилик ҳаракатлари юртдошларимизни чуқур қайғуга солди. Барчамиз эл-юрт осойишталиги учун масъулларимизни яна бор чуқур ҳис қилдик. Хўш, Самарқанд вилоятида тинчлик-хотиржамликини таъминлаш йўлида қандай ишлар қилингапти?

Бу саволга жавоб олиш учун аҳоли зич яшайдиган жойларда бўлдик.

... Шахсий таркиб бўйича маҳсус инспекция бошлиғи, милиция майори Р. Темиров билан Самарқанд шаҳридаги милиция таянч пунктларидан бирига етиб келганимизда қош қорайиб қолганди. Бу ерда профилактика катта инспектори, милиция майори Ш. Эгамов жамоат жойларида галдаги навбатчиликни ташкил этаётган экан.

– Шундай қилиб, милиция катта лейтенанти Мирсаидов посбонлар билан “Истиқбол” маҳалласида навбатчилик қиласи. Милиция катта лейтенанти Кўзибоев

эса “Афросиёб” ва “Даҳбед” маҳаллалари учун масъул. Сиз эса, милиция таянч пунктларидан 29 марта худудида ноконуний яшаб-келган 50 фуқаро чиқариб юборилди. Гиёхвандлик моддалари нинг ноконуний айланиши бўйича 26 холат аниқланди.

Тезкор тадбирлар чоғида қидирилди. Улардан 5 киши жиноят содир этилган, 3 нафари эса бедарак йўқолгани учун қидирилаётган эди.

Исмоилов Фиёсiddин катта лейтенанти Жамшид номидаги маҳаллага борасиз.

У бизни кўриб пешвоз чиқди:

– Ассалому алайкум, ўртоқ бошлиқ, – УР. Темировга мурожаат қилди. – Ҳозир навбатчилик ташкил қилаётган эдик. Бизга маҳалла аҳли, айниқса, пошибонлар яқиндан кўмак беришяпти. Вазият яхши, тинч-осо-йишта.

Биз Фиёсiddin Жамшид номли маҳаллага йўл олдик. Бу ерда ҳам иш қизгин экан. Бир қанча киши дафтарларига ни-

мадир ёзишарди. Икки йигит оқсоқолга:

– Хўп, биз ўз худудимизга кетдик, – деб кўчага чиқиши.

Маҳалла оқсоқоли бизни очик юз билан қарши олди. Кўришдик, сўрашдик.

– Муҳаммад ака, ўзим билан журналистни бошлаб келдим, – деди Р. Темиров. – унга қилаётган ишларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Милиция билан бирга осойишталини таъминлаш йўлида ҳаракат қилаяпмиз. Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларидаги воқеалар фуқароларимиз

хушёр, огох бўлиши лозимлигини яна бор кўрсатди. Маҳалламида турли миллат ва динга мансуб 2 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиласи. Шундан мингга яқини ёшлар – мактаб ўқувчилари, талаба-

лар, ишчилар. Ҳамма бир-бирини яхши билади. Ҳар ҳафта хукуқи муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бирга маҳалла

Дон – ризқу рўзимиз

ПАЙХОНГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Баҳор бор кўрки ва тароватини кўз-кўз қилиб кишига тетиклик бағишлийди. Кундан-кун бўй чўзиб ўсаётган майсаларни кўриб, дингиз қувонади.

Афсуски, ана шундай азиз неъматнинг қадрига етмай дехконлар пешона тери эвазига етиштирилаётган экинларнинг бир лаҳзадаёқ пайхон этилишига сабаби бўлаётган айрим лоқайд кимсалар ҳамон учраётгани ачинарли ҳолдир. Улар халқимиз ризқ-рўзи – фаллани оёқ ости қилишадиганини англашетмаган кўринадилар.

Масалан, Қамаши тумани ИИБ ходимлари олиб борган профилактик тадбирлар давомида “Фаллакор” жамоа ширкат ҳўжалигига яшаётган Т. Тоғаевга тегишли 7 бош эчки шу ҳўжаликнинг фаллазорига кириб, 0,1 сотих ҳосилдор ер пайхон қилган. Мол эгасига унга 5540 сўм миқдорда жарима солиниб, келтирилган зарар “Қизилтепа” қышлоқ фуқаролар йиғини томонидан ундирилди. Шунингдек, 21 та ҳолат бўйича 24 нафар шахсга нисбатан маъмурӣ чора кўрилди. Шу каби воқеаларнинг такрорланмаслиги учун милиция ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ўзаро ҳамкорлик қилишадиги. Вазиятни тўла назорат қилиб турган 348 кузатув пунктлари доимий равишда фаолият кўрсатмоқда. Дала қоровуллари тайинланиб, улар от билан таъминланган.

Бир сўз билан айтганда, галла майдонлари пайхон қилинмаслиги учун бор куч ва воситалар ишга солиняпти.

У. ЖАББОРОВ.

Урганч аэропорти милиция таянч пункти ходимлари жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда “Қорадори”, “Тун”, “Арсенал”, “Фуқаро” каби қатор тадбирларда фаол қатнашмоқдалар. Шу туфайли бу худудда жиноят ҳамда ҳукуқбузарликлар кескин камайди. Масалан, жорий йилнинг ўтган 3 ойида 9 та майда ҳукуқбузарлик содир этилиб, қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Ички ишлар ходимлари мамлакатимизга товар-моддий бойликларининг ноқонуний равишда олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш билан боялиқ бўлган ҳолатларга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Йилнинг биринчи чораги давомида ноқонуний равишда олиб келинаётган 1 миллион 441 минг 600 сўмлик товар-моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара этилди.

– Аэропорт худудида осойишталини таъминлашда маҳалла посбонларининг ҳиссаси катта бўлмоқда, – дейди таянч пункти бошлиғи, милиция подполковники Станислав Полвонов.

– Улар ходимларимиз билан биргаликда иш олиб боришяпти. Ўтказилаётган профилактик тадбирлар натижасида йилнинг биринчи чораги давомида биронта ҳам жиноят содир этилмади.

Яқинда аэропорт худудида террорчиларни кўлга олиш ҳамда уларни заарсизлантириш бўйича ўқув-амалий машгулот бўлиб ўтди. Бу тадбирда Урганч тармоқ ИИБ ходимлари ҳам фаол иштирок этиб, касб маҳоратларини на мойиш этишиди.

Х. ЖАББОРОВ.

... Гулистан шаҳридағи темир йўл бекатларидан бирида уч кимса шпалларни машинага юкларди. Шу ердан ўтиб бораётган киши уларнинг темир йўл хизматига алоқадор эмаслигини сезиб, тезда Сирдарё вилояти ИИБ ишонч телефонига кўнгироқ қилди. Воқеа жойига етиб келган Гулистан шаҳар ИИБ тезкор гуруҳи ўғриларни кўлга олди. Бу жиноятдан ички ишлар ходимларини вониф шарифи сирлигича қолди.

«АЛЛО, БУ ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИМИ?..»

Сирдарё туманининг чекка, овлоқ жойидан “ТТЗ-80” русумли тракторни Қозоғистон Республикасида олиб ўтилаётганидан хабар топган бошқа бир фуқаро бу ҳақда ишонч телефонига сим қоқди. Туман ИИБ тезкор ходимлари дехконлар корига яраб турган техникани бир нобакор ўғирлаб, сотиб юбормоқчи бўлганида уни ушладилар.

Вилоят ИИБда ишонч телефони фаолият кўрсатаётгандан бери бундай хабарлар кўплаб тушди. Бу эса рўй берган ҳукуқбузарлик, қонунбузарларнинг бартараф этилиши, жиноятнинг олди олиниш, содир этилганларини иссиғида очишда катта аҳамият касб этаяпти. Телефон орқали нафақат жиноятлар, шунингдек, ички ишлар ходимларининг фаолия-

тига оид хабарлар ҳам берилаётгани эса шахсий таркиб ўртасида тамагирлик, мансабини сувиштешмөл қилиш, хизмат интизомини бузиш каби ҳолатларнинг камайишига олиб келди. Ишонч телефони куну тун ишлаётгани фуқароларнинг ҳар қандай ҳолатлар ҳақида исталган вақтда хабар беришлари учун имконият яратмоқда.

Олинган маълумотлар шу заҳоти тезкор гуруҳга етказилади. Гуруҳ аъзолари тезда воқеа жойига бориб зарур чора-тадбирлар кўрадилар. Қ. КАРИМОВ, милиция капитани.

Хизматларда

ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ЭЪТИБОРДА



Суратларда: жамоат тартибини сақлаш гуруҳи катта инспектори, милиция майори Фарҳод Сапоев (ўнгда) божхона хизмати лейтенанти Фурқат Каримов билан йўловчиларнинг юк ва ҳужжатларини кўздан кечираяпти.

Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.

тига оид хабарлар ҳам берилаётгани эса шахсий таркиб ўртасида тамагирлик, мансабини сувиштешмөл қилиш, хизмат интизомини бузиш каби ҳолатларнинг камайишига олиб келди. Ишонч телефони куну тун ишлаётгани фуқароларнинг ҳар қандай ҳолатлар ҳақида исталган вақтда хабар беришлари учун имконият яратмоқда.

Олинган маълумотлар шу заҳоти тезкор гуруҳга етказилади. Гуруҳ аъзолари тезда воқеа жойига бориб зарур чора-тадбирлар кўрадилар.

Қ. КАРИМОВ,
милиция капитани.

Саломатлик сабоқлари

ШИФОБАХШ МАЛХАМ

Табиатда асаларичалик инсонга кўп фойда келтирадиган жонзот бўлмаса керак. Унинг асали шифо, заҳари шифо, ҳатто уяси учун қурилиш материали бўлган елими (прополис) ҳам кўплаб касалликларга даво экан. Қуйида ана шу ҳақда ҳикоя қиласиз.

ТОЗАЛАР, ОЗОДАЛАР...

Асаларилар табиатдан тозалик, озодаликни хуш кўрадилар. Улар уя қуриш учун ишлатидиган ашё "прополис" деб аталади. Бу асли юнонча сўз бўлиб, "сурин", "ямаш" деган маъноларни англатади. Прополис ўзига хос елим. У сув ўтказмайди, табиий ўта кучли антибиотик ҳисобланади. Биласизки, асаларилар гуж, оила бўлиб яшашиди. Улар орасида турли вируслар, бактерияларнинг тарқалиб кетмаслиги айнан прополис шарофатидан. Қадимги Мирса табиблар асалари елимининг бу ажойиб хусусиятини ўхши билишган. Бизнинг давримизда ҳам унинг кўплаб касалликларга шифо бўлиши кашф этилди. Ҳали прополис охиригача ўрганиб бўлинди, дейишга эрта. Ҳатто унинг таркиби ҳам бутунлай ўрганиб тутатилгани йўқ.

ВИРУСЛАР КУШАНДАСИ

Юқорида айтганимиздек, прополиснинг асосий хусусиятларидан бири вирусга қирон келтиришидир. Айнакса, шамоллашни даволашда унинг самараси катта. Масалан, қаттиқ тумовга чалинганда ундан яхши давони топиш қийин. Бунинг учун беш фоизли прополис малҳамини маҳсус тайёрланган иккита докага суркайтишиб, бошини орқага энгаштириб бир неча дақиқа ўтирасиз.

Томогингиз оғригандага ҳам прополис фойда қиласи. Ангина, фарингитга чалинганда, оғизнинг шиллиқ пардаси яллигланганда бир ош қошиқ куруқ, майдаланган отқулоқ баргининг устига бир стакан қайноқ сув қўясиз. Тиндираг спиртли прополис эритмаси-


дан 30 томчи томизиб, томонгизни чаясиз.

Шамоллашларнинг олдини олишни истасангиз, прополисни асал билан қўшиб истеъмол қилиш керак. Бунинг учун 5г прополисни сирланган идишга солиб эритасиз. Унга 100 г асал қўшиб аралаштирасиз. Яна бироз қиздирасиз. Ҳосил бўлган аралашмадан ҳар куни нонуштадан кейин катталар бир чой қошиқда, болалар яrim чой қошиқда истеъмол қилиши керак. Прополиснинг таъми оғзингизда кейинги кунгача сакланиб қолгани мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун

фас оласиз. Сурункали бронхит касаллигига муолажа курси икки ойгача давом этиши мумкин.

ТИШ БИЛАН МИЛККА ДАВО

Бугунги кунда прополис стоматологияда ҳам кенг кўлланиляпти. Унинг тиши эмалини мустаҳкамлаб, кариес (емрилиш)нинг олдини олиши аниқланган. Шунинг учун сўнгги пайтларда асалари елимини тиши пасталарига, сақчларга қўшишапти. Оғиз бўшлиғи касалликларини прополис ёрдамида даволашнинг



уни сув ёки чой каби ичимликлар билан ичманг.

Шамоллаш энди бошланиб келаётганини ҳис қилсангиз, ухлаш олдидан зигирдек прополисни тишингизга ёпиштириб қўйинг. Эрталабга бориб ўзингизни отек ҳис қиласиз!

Юқори нафас олиш йўллари ўтқир ва сурункали шамоллашида асалари елиминдан ингаляция қилсангиз яхши самара беради. Муолажа қуйидаги бажарилади: 60г прополис ва 40г мумни кичикроқ алюмини кастрюлга соласиз. Бу кастрюлни қайноқ сув тўлдирилган бошқа бир каттароқ кастрюл устига қўясиз. Прополис буғидан 10-15 дақиқа на-

халқ табобатида синаланган усуулари ҳам мавжуд.

Масалан, прополиснинг спиртдаги эритмаси ярали стоматитларни даволайди. Яхши томонга ўзаришни муолажадан кейин дастлабки соатларда ёқ ҳис қиласиз. Оғизни чайиш учун ярим стакан илиқ сувга 5-10 г эритма аралаштирилади. Гингвит, пародонтоз ва бошқа оғиз бўшлиғи касалликларини даволашда ҳам ана шу усуулдан фойдаланилади.

Тиши оғригандага эса зигирдек асалари елимини оғриётган тишинг илдизи устига ёки ковагига қўясиз. Беш фоизли прополис малҳамини пахтага

суруб, оғриётган жойга 30-40 дақиқа қўйсангиз ҳам фойда-си бўлади.

ОШҚОЗОННИНГ «ДУСТИ»

Кўпчилик шифокорлар ошқозон яраси касаллигининг келиб чишига микроорганизмлар сабаб бўлади, деб ҳисоблашади. Шунинг учун сўнгги пайтларда хасталикни даволашда антибиотиклардан кенг фойдаланиляпти. Аммо уларнинг кўплаб асоратлари ҳам бўлиши мумкин. Бактерияя қарши хусусиятини ҳисобга олсан, антибиотиклар ўрнига прополисдан ҳам самарали фойдаланса бўлади.

Ошқозон ва ўн иккى бармоқли ичак ярасини даволашда асалари елимининг 10 фоизли спиртдаги эритмаси кўлланилади. Бунинг учун спиртли эритмани сувга, пиширилган сутга 15-20 томчидан қўшиб, овқатланишдан 1-1,5 соат олдин кунига уч марта ичилади. Муолажа 18-20 кун давом этади. Зарур ҳолларда даволаш курсини бир-икки ҳафта оралатиб, яна тақорлаш мумкин. Аммо эҳтиёт бўлиши керак. Прополис дозаси кўпайиб кетса иштаҳани бўғиб, умумий тонусни пасайтириб юбориши, кишини бўшаштириши, қонда лейкоцитларни кўпайтириши мумкин. Прополис ёғи эса овқатланишдан 1-1,5 соат олдин бир чой қошиқдан иситилган сутга қўшиб, истеъмол қилинади. Муолажа схемаси спиртли прополис билан бир хил. Даволашнинг дастлабки ҳафтасида ёқ оғриқлар, жигилдон қайнаши йўқолиб, иштаҳа яхшилади.

ТАБИЙИСИНИ ТОПСАНГИЗ...

Агар табиий прополис тошишга муваффақ бўлсангиз, ундан малҳам тайёрлаш мумкин. Бундай малҳам ёрдамида қуйиш жароҳатлари, экземалар, битиши қийин бўлган яралар, бавосир ва яна кўплаб хасталикларни даволаса бўлади. уни қуйидагига тайёрлаш мумкин. Тоза, сирланган идишда 100 г вазелин ёки мол ёғи эритилади. У қайнай бошлагач оловдан четга олиниб, 50-60 даражагача совитилади. Сўнг қандай концентрация кераклигига қараб, 10-30 г майдаланган прополис қўшилади. Арашма то 70-80 даражага етгунча, 8-10 дақиқа давомида яхшилаб аралаштирилиб, қиздирилади. Сўнг қайноқ ҳолида докадан ўтказилиб (сиздирилиб), тўхтовсиз аралаштирилиб совитилади. Совиган малҳамни зичлаб ёпиладиган идишда, куруқ, коронги, салқин жойда саклаш керак.

ХАЛҚ ТАБОБАТИ ТАВСИЯЛАРИ:

- Яхши пишган помидорни тилимлаб, томирнинг шишган, кенгайганд жойларига қўйиб, устидан боғланг. 3-4 соатдан кейин ўрнига бошқа тилим қўйинг. Муолажани ҳар куни тақорланг.

- Томирнинг кенгайганд жойларига настарин барги қопланг. Баргларни ҳар соатда алмаштириб туринг.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

КЎКЛАМ ДОРИХОНАСИ

Кўплаб ўт-ўланлар, гул-чечаклар қатор баҳорги касалликларга шифо бўлади. Масалан, чиннигул томоқ оғригини олади. Унга шакар сепиб чайнасангиз бўлди. Бу гул тиши ва кулоқ оғригига ҳам даво. 5-6 дона чиннигулни бир қошиқ ўсимлик ёғида то пуфакчалар пайдо бўлгунича қиздиринг. Сўнг ёғни кулогингизга томизинг.

БАЛИҚ МОЙИННИНГ ХОСИЯТИ

Дунёнинг аксар мамлакатларида каттаю кичик балиқ мойини севиб истеъмол қилишади. Чунки у д ва А дармондорилари, ОМЕГА-3 кислотасига, йодга бой бўлиб, атеросклероз, юрак ишемик касалликлари, дерматоза, ошқозон яраси касаллиги, қандли диабетга шифодир. Холосани эса ўзингиз чиқарверинг.

ЛАВЛАГИ АТЕРОСКЛЕРОЗА ҚАРШИ

Лавлаги атеросклероз хасталигига чалинганларга жуда фойдали. Унинг таркибида калий, кальций ва натрий моддалари юрак ҳамда асаб тизими фоалиятини яхшилашга ёрдам беради. Бундан ташқари, лавлаги сафро ҳайдаш хусусиятига эга. уни ҳар қанақасига истеъмол килса бўлади. Аммо эсингизда бўлсин, лавлаги шарбатини ичишдан олдин камида бир ярим соат тиндириб қўйиш керак. Акс ҳолда томирларни торайтириб қўяди.

ОВҚАТИНГИЗ ЗАҲАРГА АЙЛАНМАСИН

Дастурхон бошида бирор бақириб-чақирса, бошқаларнинг кайфиятини бузса, "Овқатниям заҳар қилдинг!" дейишади. Бу гап бехуда эмас. Асабийлашган, ўта ҷарчаган, безовта аҳволда овқатлангани ўтиранг. Акс ҳолда еганингиз ҳар қанча мазали бўлмасин яхши сингмайди, татимайди.

ОҒУНИНГ ЎЗИ БУ!

Мураббонинг усти пих боғлаган (могорлаган) бўлса, уни ҳеч ачинмай ташлаб юборинг. Чунки бу ҳақиқий заҳарнинг ўзи бўлиб, жигар саратони касаллигига олиб келиши мумкин. Қайнатиб ишлов бериш оғунинг кучини кетказмайди. Шунинг учун яна тақорлаймиз, пих боғлаган озиқ-овқат маҳсулотлар (мураббо, нон, сабзавотлар, мевалар, ёнгоқни ҳеч ичингиз ачинмай ташлаб юборинг).

ДАРХОЛ ШИФОКОРГА БОРИНГ!

Мабодо оёгингизда варикоз касаллиги бошланиб улгурган бўлса, дархол шифокорга учранг. Унга қанчалик тез мурожаат қилсангиз, хасталикни даволаш шунча осон кўчади.



Шифокор организмингизнинг хусусиятлари, касаллик қайси босқичдагидан келиб чиқиб уни муолажа қилиш усууларини белгилайди. Ташхис қўйишнинг энг илғор усууларидан бири ультратовуш ёрдамида тадқиқ қилишади.

Даволашнинг ҳам бир қанча йўллари бор. Жумладан, лазер нурлари ёрдамида ҳам муолажа қилиш мумкин. Агар касаллик оғир босқичда бўлса, операция қилишдан бошқа илож йўқ.

Энди оёқ томирларингизга дикқат билан қаранг. Варикоз кенгайиши аломатлари бўлса, шифокорга шошилинг.

Турмуш чорраҳаларида

Шаҳноза бу қиз билан бекатда тасодифдан танишиб қолган эди. Қизнинг "Вой, жуда ёқимтой экансиз, дугона бўлайлик", деган таклифидан сўнг, улар кунора учрашиб туриши. Шундай қилиб, нотаниш-танишга, сўнгра сирдошларга айланиши. Янги таниши бир куни Шаҳнозага кутилмаган таклифни айтиб қолди:

- Бугун, дугонажон, бир жойга борамиз.

- Қаёқка?

- Туғилган кунга! Менга шерик бўласиз.

- Кечирасиз, лекин танимаган, чақирилмаган жойга қандай қилиб бораман?

- Жуда содда экансиз-ку, дугонажон. Мен билан қандай танишган бўлсангиз, улар билан ҳам шундок... а, нима дедингиз? Йўқ деманг, юраверинг. Нима, мен сизни ёмон жойга бошлармидим.

Дугонаси устомонроқ эканми, у деди-бу деди, Шаҳнозани кўндириди. Улар йўлга тушиши...

Кўримсизгина бу кўп қаватли бинода шундай чироили, қимматбаҳо мебеллар билан безатилган хонадон борлигига четдан қараганда кишининг ишонгиси келмасди. Лекин буларни Шаҳноза ўз кўзи билан қўриб, ҳайратини ичига ютиб ўтиради. Айни пайтда кўнглига аллақандай гулфула тушар, асабийлашар, боиси, бу ерда икки қиздан бўлак аёл зоти йўқ эди. Фақат уч-турт ширақайф эркак "олинг-олинг" қилиб уларга илтифот кўрсатишарди. Биллур идишларга галдаги қадаҳлар куйилди. Кап-ката кишининг кўзини сузуб гапириши, сохта кулги билан қадаҳ узатиши Шаҳнозанинг нафратини қўзғатди. Шартта ўрнидан туриб эшикка йўналмоқчи эди, дугонаси сакраб ёнига келиб, йўлни тўсди:

- Вой, намунача шошилмасангиз, шу оддиг шампан виноси ни ҳам ичмайсизми?

- Умуман ич...

- Энди ўрганасиз. Ҳеч бўлмаса бир ҳўпланг. "Дўстинг учун заҳар ич" деган гап бор ахир. Ичинг. Кўрқманг, ёнингизда ўзим борман.

Шаҳноза ноилож қолди. Ўзига тикилиб турган нигоҳлардан тезроқ қутулиш учун қадаҳни оғзига яқинластириб, атиги бир хўпламгина ютди. Бир ҳўплам...

Орадан бир оз вақт ўтиб, қиз ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Бучи сезидирмаслик учун секин ваннахонага йўналди. Аъзойи бадани қизиб, боши оғирлашиб кўнгли айнирди-ю, қайт қиломасди. Юзини муздай сувга чайди. Андак ўзига келгандай бўлди. Ваннахонадан чиқиб, кўзи стол атрофидагиларга тушди. Дугонасининг бояги киши билан олди-бердиси бор эканми, пул санаб оларди. Шаҳноза яна безовта бўла бошлади. Бутун вужуди карахт, ётиб ором олгиси келарди. Секин ўрнидан туриб, кўшни хонага мўралади. У ердаги диван шу

тобда кўзига оловдай кўринди, ўзини ўринга ташлади. Шундан кейин нима бўлганини эслай олмайди.

... Машина Шаҳнозаларнинг уйидан анча берида тўхтади. Киз дарвоза ёнида турган отонасини кўриб, бир оз сергакланди. Қизини хавотирланиб куатётган шўрликлар у ярим тунда бу ахволда келади деб, сира ўлашмаганди. Ранглари ўчиб, қизларининг ёнига юргургилаб келишганда машина катта йўлга чиқиб борарди.

Эртасига минг хил ўйга борган онаизор қизини аёллар шифокорига олиб борди. Кўрқиб кетган қиз ҳеч нарсани тузуркоқ эслолмас, фақат "дугонаси"нинг пул санаб олаётгани кўз ўнгидан кетмасди. Яна... яна юраги куяр, жигар-бағри ачишиб, хўрлиги тутиб йиглагиши келарди.

Шаҳноза шифокор қабу-

туди. Негадир Шаҳнозанинг вужудида нимадир қимирлаб, еганини қайт қилиб, кўнгли нуқул шўр нарсаларни тусайдиган бўлиб қолди. Ноилож яна таниш дўхтиренг қабулига борди. Тажрибали гинеколог уни текшириб кўриб, бачадонда уч ярим ойлик чақалоқ ривожланётганини билди. Бу камдан-кам, лекин аёлларда бўлиб турдиган ҳолат эди. Бўлғуси онага таскин беришдан бошқа илож қолмаганди:

- Синглим, ўзингизни босинг, - деди у. - Асабийлашманг. Бўлар иш бўлди. Болани йўқотиш хаёлига бориб ўтиранг. Акс ҳолда унга ҳам, ўзингизга ҳам жабр бўлади. Қолаверса, биринчи фарзандидан воз кечган қанчадан-қанча оналар энди тирнокка зор бўлиб юришибди...

Шаҳноза ўғил кўрди. Барир ортда қолди. Чўлпиллатиб кўкрак сутини эмаётган гўдакнинг бошига онанинг кўз ёшлари сел бўлиб оқарди. Ажабо. Бу қандай хиссият?! Фарзанд бунча ширин бўлмаса. Онанинг кўзига ҳеч нима кўринмас, унга шу бола соғ бўлса бас, бошқа нарса ҳақида ўлашни ҳам хоҳламасди. Гоҳо кечалари фуссли, баъзан ширали аллалар айтиб, бешик устида тонг оттирадиган бўлди:

Бола дақиқа соат сайн ўсиб, дуркунлашиб борарди. Уни оиласда ҳамма севиб қолиши. Унга бокқанда барча дард-аламларини унутишар, овунчоқлари борлигига шукроналар айтишарди. Аммо Шаҳнозанинг қалбини бир армон тирнарди. У на севиб-севилиб турмушга чиқди, на келинчаклар киядиган оқ либос кийди, на чимилдиқни кўрди. Кейинроқ у ўша машъум воқеа рўй берган унни қидирди, кўп қидирди. Лекин афсуски, бирбирига ўхшаш бинолар кўплигидан айнан ўша хонадонни топа' олмади. Шаҳнозани қийнаган яна бир нарса – атак-чачак қадам ташлаётган болани атрофдагилар олдида "меннинг болам" деб олмас, бирорлар бор пайтда оналик меҳри билан гўдакни эркалай олмасди...

Вақт ўтаверар экан. Гўдак икки ёшга тўлди. Бу орада синглиси турмушга чиқди. Шаҳноза эса болага жуда қаттиқ bogланиб қолган эди. Энди унга икки дунё – бир қадам. Ким нима деса деяверсин. Ҳатто ҳалойикка эшиттириб: "шу гўдак менини, уни мен туқканман" деб жар солишга ҳам тайёр эди.

Гулжоҳон НУРИДДИНОВА.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Азиз газетхон! Сиз юқоридаги бир чигал воқеа тафсилоти билан танишдингиз. Гарчи муаллиф унга расман нуқта кўйган бўлса ҳам, бизнинг-ча, ҳали у ўзининг тўла ечимини тоғмаган. Балки ўйлар ўтиб бу чигалликларга барҳам берилар, Шаҳнозанинг соддадиллиги ва оққўнгиллигидан фойдаланиб унга озор берган, номусига тажсовуз қўлган покас кимсалар қўлмишларидан пушаймон бўлишар, Ҳақ олдида тавба қилишар. Бироқ нима бўлганда ҳам ушбу воқеа кишини чуқур мулоҳаза юритиш, ҳар томонлами ўйлаб кўришга ундиади. Энг асосийси, Шаҳноза хато кетидан хато қилмади, қабоҳатга юз тутмади, бегуноҳ гўдакнинг уволига қолмади. Шу ўринда унинг ота-онасига ҳам тан бермоқ керак. Бу инсонлардаги багри кепглик, сабр-тоқат ва матонат, энг оғир пайтлардан ҳам оқилона йўлни тутишлари ҳар қандай одамни лол қолдиради. Шундай эмасми? Ахир улар жиззакилик-қизиқонлик қўлганиарида, "бургага аччик қилиб кўрпа кўйдиршишганди" нима бўларди? Аслида кучли иймон эгалари сабр-бардошли, кечиримли бўлади, деганлари шу эмасми?

Номусингни ўшлидан сақла, деган гап бор. Ахлоқ-одоб, ор-номус, иймон-эътиқод, диёнат, виждан тушунчалари таълим-тарбиянинг шундай бир олмос қираларики, бу тўғрида нафақат ота-она, ҳамма, бутун жамоатчилик жон кўйдиршиши зарур. Балки жойларда бу соҳага даҳлор ташкилотлар, мутассадилар камроқ бош қотиришга ўтади, балки маҳалла-кўй, фаоллар, педагог-мураббийлар ҳамкорлиги талаб дараҷасидан эмасди. Шу туфайли маънавиятимизда бўшилк пайдо бўлгандир... Ҳўш, муҳтарат муштариylар, Сиз бу ҳақда нима дейсиз, қандай фикрдасиз? Фикр-мулоҳазаларнинг кутиб қоламиз.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бухоро шаҳар ИИБ ЖҚ, ва УЖККБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори

Фахридин ҲАМОРОЕВНИНГ бевақафт ётап этганини муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИВ ИҚББга қараши ҳарбий қисм раҳбарияти ва шахсий таркиби қисм кўчма стоматология хонаси бошлиғи, тиббий хизмат катта лейтенанти Д. Ҳайдаровага отаси

РУСТАМЖОН аканнинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Тошкент шаҳар ИИБ вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига Сирфали тумани ИИБ профилактика инспектори томонидан 10-11 ёшлардаги ўғил бола келтирилди. Бола ўзини Максим Мартинин деб танишилди. Унинг гапига қараганда, отасининг исми Антон, онасини эса Нина. Аввал Тошкент, кейин Чирчиқ шаҳрида яшашган. Ақлан носоглом.

Белгилари: бўйи 130-135 см, ўтра-

ча гавдали, юзи чўзиқроқ, кўзи зангори, қошлари сийрак, ёйсимон, шалланг қулоқ, лаби қалин.

Алоҳида белгиси: юқори лабининг тепасида чандиқ бор.

Кийимлари: энгизда тўқ кўк камзул, жигарранг водолазка, спорт трикosi, бозшида қора кепка, обёғида қора этикча бор.

Боланинг ота-онаси, яқинлари Тошкент шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин. Телефонлар: 191-34-31, 191-52-37.

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

ТАЛОНЧИ...УЙ БЕКАСИ

Фарғона шаҳридаги "Нурхон" кинотеатри олдида тўрт номаълум шахс шу якин орадан ўтиб кетаётган Зухра Мирзаевани мажбурлаб "Тико" автомашинасига ўтказиб, шаҳар чеккасига олиб боришиди. Улар аёлнинг металлдан ясалган тақиңчоқлари ва сумкасидағи 100.000 сўм пулни олиб, жуфтакни ростлаб қолдилар. З. Мирзаева бу ҳақда дарҳол милицияга хабар берди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Олтиариқ тумани Зилха қишлоғида яшовчи ўй бекаси Ш. Наргиза ўз шериклари билан содир этгани аникланди.

СИГИР ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

Одатда хонадон эгалари болаларимиз сут-қатиқа тўйсин, қолаверса, рўзгоримзининг бир томонини кўтартсин, деган мақсадда сигир бокишиди. Хоразм вилояти Хонқа тумани "Хоразм" ширкат хўжалигига яшовчи Юсуфбой Бекжанов ҳам шундай ният қилган бўлса ажаб эмас. Аммо тунда кимдир унинг сигирини ўғирлаб кетиб ҳафсаласини пир қилди. Яхшиямки жонига милиция ходимлари оро киришиди. Буни қарангки, ўғри шу хўжаликда яшовчи, ишламайдиган Р. Ихтиёр бўлиб чиқди.

ҚИЗИННИГ ҚУЛИ КОНГА БЕЛАНДИ

Якин кишилар, хусусан, она-бала, ота-бала ўтасидаги ҳурмат, меҳр-оқибат ҳақида кўп гапирилаяпти. Аммо шунга қарамай ҳоҳида улар ўртасида шундай аянчили воқеалар рўй беряпти, эшитиб ёқа ушлайсан, киши. Зоро, Фарғона вилояти Киргули туманилик Ц. Оксана ичкиликката тўйиб олгач, она ўзини қандай тутмасин, ҳар қандай вазиятда ҳам фарзанд учун мўътабар зот эканлигини унутиб кўйган, чамаси. Акс ҳолда волидаси билан жанжаллашиб, кўкрагига пичоқ санчмас эди. Шўрлик Маргарита Тютиғ зарбидан оҳ чекиб, воқеа жойида вафот этди. Ц. Оксана ушланди.

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ... МИ?

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20-“Д” даҳада яшовчи А. Махсумовнинг ўйда ўн бир ёшли қизи Мафтуна ёлғиз эди. Номаълум шахс найранг ишлатиб, ичкарига киришга муваффақ бўлди. У қизнинг қўлини скотч билан боғлаб, ўйдан 100.000 сўм пул, 580 АҚШ доллари ва 200.000 сўмлик турли хил заргарлик буюларини олиб кетди. Ушбу воқеадан хабар топган хонадон соҳиби ҳангманг бўлиб қолди. Милиция ходимларининг саъ-ҳаракати билан Қашқадарё вилояти Яккабог тумани, Гуржоб қишлоғида яшовчи, илгари судланган, ишламайдиган Ш. Акром мазкур жиноятни содир этганиликда айбланиб, кўлга олинди.



Суратда: Китоб тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция лейтенанти Нозим Луқмонов "Гулестон" маҳалла фуқаролар йигини котибаси Манзура Ҳамидова ва маҳалла посбони Абдураим Раҳмоновлар навбатдаги вазифаларни муҳокама қилишяпти.

Э. МИРЗАЕВ олган сурат.

Назм

ЯШНАЙВЕР, БАҲОР!

Эриб битди оппоқ қор,
Гул-лолалар очилди.
Гуркираб келди баҳор,
Кўклам иси сочилиди.

Заррин қуёш нуридан
Баҳра олди ҳаммаёк.
Кўкламнинг қалб қўридан
Дараҳтлар тақди бодроқ.

Тоғ кўйнида кўз очди,
Сувга сероб булоқлар.
Дехқонбобо дон сочар,
Яшнар дала, ўтлоқлар.

Ёйилди бояг-роғларга
Атиргулларнинг бўйи.
Гул тўлиб кучоқларга,
Бошланди Наврўз тўйи.

Зубайдулло МУҲАММАДИЕВ,
истеъфодаги милиция майори.

Бу – қизиқ

СИЗ ҚАНДАЙ УХЛАЙСИЗ?

Одам қандай ҳолатда ухлаётганига қараб унинг феълатворини аниқлаш мумкин экан. Бу борада тадқиқотлар олиб борган франциялик руҳушунос Пьер Давийо уйқу пайтида гавданинг турли вазиятларда жойлашишига қараб шундай хуласага келган:

– бажараётган иши ва касби – ёки ястикни кучоқлаб ухласа бидан норози одамлар одатда лингки, у зерикб юрган одам ва қоринларини пастига қаратиб ухлашар экан;

– чалқанча ётиб ухладиганлар – гўзалликка ташнадир;

– худбин шахслар бошқаларга нисбатан кўпроқ кўрпага бурканиб қучли ва ўз турмуш тарзидан оладилар.

Хўш, сиз қандай ухлайсиз?

Шавкат САҶДИЕВ тайёрлади.

Мен автобусдан кўра поездда юришни маъқул кўраман – қулай-да, хоҳласангиз ўтирасиз, хоҳласангиз ётасиз, кўнглингиз тусаса ёнбошлаб ҳам кетаверасиз. Кўпинча хизмат юзасидан Навоий, Бухорога қатнайман. Кечқурун йўлга чиқаман. Бир ухлаб туриб, эрталаб манзилимда бўламан. Фақат... поездда пойафзалини ўғирлаб кетишлари ёмонда. Сизни билмадиму, мен шу пайтгача уч марта туфли ўғирлатдим. Ҳар гал барақа топкур вагон кузатувчилари эски бўлса ҳам, бус-бутун калиш топиб беришиди. Текинга эмас, албатта.

Шу кўйга тушмаслик учун нима тадориклар кўрмадим, дейсиз. Туфлимни кечаси оёғимнинг тагига ҳам, бошимнинг остига ҳам қўйиб ётдим.Faқат кучоқлаб ётишим қолди, холос. Аммо фойдаси бўлмади. Сабаби, уйқум қаттиқ. Бир донг қотсан, қулогими кесиб кетишса ҳам билмайман. Лекин сўнгти туфлимга унча ачинмадим. Чунки уни косиблардан арzonгаровга олгандим. Арzon шўрва татимас, деганларидек бунинг устига товони хиёл ёрилиб улгурганди. Faқат тери боплаб ишланган эканми, чарми яхши сақланганди. Кузга бориб ташлаб юбораман, деб ёз кунлари кийиб юргандим.

Кеча кечқурун яна "Буҳоро, қайдасан?" деб хизмат сафарига чиқдим. Пастки ўринларни тижоратчи холалар эгалашган экан. Вақт кечки тўққиздан ошганда ётишга ҳозирландим. Худонинг зорини қилиб, дипломатим билан туфлини тагларидағи "сандиқ" ичига жойлашишига уларни кўндиридим. Ҳақиқатан ҳам

Эрталаб апил-тапил ўрнимдан туриб, пастдаги "сандиқ"ни очиб қарасам, дипломат ҳам, туфли ҳам йўқ. Ҳолсизланиб ўтириб қолдим. Тепадаги бошқа ўриндида ётган ҳамроҳим аҳволимни кўриб сакраб пастга тушди.

– Ҳа, туфлини ўғирлаб кетишибдими?

– Дипломатиям.

– Пул жойидами, ишқилиб.

– Ҳа, пул ишончли жойда. Хотин белга боғлаб қўйган.

– Унда яхши. Ҳаммасининг жазоси пул. Ҳозир мен проводникини айтиб келай, – у тўшагининг тагидан туфлисини олиб, оёғига илди.

"Ё тавба, нега бунинг туфлисига ҳеч ким тегмагану меникини олиб кетишиган?" хаёлимдан ҳам аlamли, ҳам кулгули ўй ўтди.

Етиб келган вагон кузатувчиси негадир юзимгамас, оёғимга тикилиб:

– Ака, айнан сизбон туфли бор, – дея бир зумда пойабзалини кўтариб келиб қолди.

– Ўзи янгиғинаю, фақат товони хиёл ёрилган, – деди у. – Шунинг учун сизга арzonга бераман. Ёзда бирор вагон йўлагига ташлаб кетган экан.

Не кўз билан кўрайки, у кўлида ўша, косибдан олган қадрдон туфлимни ушлаб турарди...

ХУРШИД.



айтганларича бор – "сандиқ" лаш-лушларга тўла экан, зўрга жой топдик. Улар манзилларига – Каттақўргонга етганларида мени уйготадиган бўлишди – пастга тушиб ётадиган бўлдим. Вагоннинг бешикдек тебраниб аллалашига маҳли ё бўлиб хотиржам уйқуга кетдим. Ярим кечада бир аёлнинг туртқилагани, "Каттақўргонга келдик, бизлар тушяпмиз!" – деганини элас-элас эслайман. "Келган бўлсанг нима қилай? Тушсанг тушавермайсанми?" – дедим ичимда ва бошқа ёнбошимга ўтирилиб олдим...

КРИПТОГРАММА

Азиз муштариylар! Маънолари куйидаги таърифланган очкич сўзларни топиб, уларнинг ҳарфларини шакл катаклиридаги тегишли рақамлар остига ёзиб чиқсангиз, криптограммада мутафаккир Юсуф Ҳос Ҳожиб қаламига мансуб тарбиявий ҳикматлардан бирини ўқийсиз.

ОЧКИЧ СЎЗЛАР:


- I. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини, эл-юрт тинчлигини, хукуқ-тартиботни муҳофаза қилиш мажбуриятини ўташ – 11,6,2,15,10,5,
- II. Ватанга, ҳалқа, хизмат бурчига содиқлик ҳақидаги расмий ваъда – 13,10,21,10,15,
- III. Мақол: "3,4,5 бошига иш тушса, Эр йигит ҳозир".
- IV. Сарҳад – 14,22,8,10,4,10,
- V. Мамлакатимизнинг вилоятлари ва иирик шаҳарларидағи маъмурӣ-ҳудудий бирлиқ – 5,18,15,10,7,
- VI. "Зийрак" сўзининг маънодоши – 17,18,19,20,4.
- VII. Гумонсираш – 19,18,16,17,10.
- VIII. Жиноят ишларини тўғри ҳал қилишдаги исботлаш воситаси – 9,10,12,6,12.
- IX. Ички ишлар бошқармасининг таркибий қисмларидан бири – 16,1,12,6,15.

Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ тузди

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Энгига: 5. Малака. 8. Райхон. 9. Йилнома. 10. Байрам. 11. Риштон. 12. Олабуғи. 13. Пишлок. 15. Табиат. 17. Рерих. 20. Брутто. 21. Анкета. 22. Бадал. 23. Шапито. 24. Фирзуза. 25. Тенга. 26. "Онажон". 29. Пашмак. 31. Антenna. 34. Волхов. 35. "Рустам". 36. Оромгоҳ. 37. Мироқи. 38. Ереван.

Бўйига: 1. Варақа. 2. Қаймок. 3. "Арапат". 4. Кошона. 6. Ялта. 7. Бону. 14. Шаршара. 16. Интизом. 17. Робот. 18. Радон. 19. Халфа. 27. Неолит. 28. Навоий. 29. Пархез. 30. Ананас. 32. Трос. 33. Нега.



О'zbekiston RESPUBLIKASI IV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir o'rinnosari v.b.
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV

Navbatchi Qobiljon SHOKIROV
Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinnosari 139-75-69.
Kotibiyat 139-73-88.
muxbirlar bo'limi 139-77-23, 59-27-15.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 2021000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.
GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN Buyurtma J-000148.
Buyurtma J-000148. Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 4 bosma taboq.
52633 nusxada chop etildi.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'satisht shart.
Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.
Qo'yozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Obuna raqamli: Yakkat tar比da — 180
Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqt — 20.00.
Bosishga topshirildi — 20.00.
Toshkent matbaa kombinatida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.
N — Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.